

## Кириш кисми

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамият лойихасининг бизнес-режаси, жамиятга карашли булган Карши шаҳри билан чегарадош ҳудудда жойлашган, Карши тумани \_\_\_\_\_ кишлоғидаги фаолият курсатаётган суюлтирилган газ қуйиш станцияси ишини муътадиллаштириш учун суюлтирилган газ сотиб олишга 10000000 сум миқдоридagi кредит маблағини ишлатишни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда. Ушбу кредит маблағини жамиятнинг ҳисоб рақами булган «\_\_\_\_\_» банк Кашкадаре вилоят бўлимидан олиш режалаштирилган.

Лойиха ташаббусқори томонидан, Карши шаҳрида мавжуд булган суюлтирилган газ екилгиси бозоридаги талаб ва тақлифни таҳлил қилиш натижасида, ушбу хизматни ташкиллаштиришни муътадиллаштириш натижасида жамиятнинг оладиган даромадини қупайтириш тугрисида қарор қабул қилди. Шаҳарда ушбу хизматлар бозорида вужудга келган шароит, яъни суюлтирилган газ екилгисига булган талабнинг катталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос булди.

Лойихани амалга ошириш учун, кредит ҳисобидан сотиб олинадиган екилги, лойиха ташаббусқорининг балансида булган мулк, суюлтирилган газ қуйиш станциясида миқозларга сотилиши кузда тутилмоқда.

Лойиха ташаббусқори «\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамияти Карши шаҳар ҳокимининг №\_\_\_\_\_ сонли қарори билан 19.11.2001 йилда руйхатга олинган. Манзили Карши шаҳри

Асосий фаолият турлари:

- Автомобилларга газ қуйиш станциялари орқали газ қуйиш, шахобчаларини қуриш ва газ маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш.
- Автомобилларга техник хизмат қурсатиш ва газ билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш
- Қорхоналар ва фуқароларга маиший ва бошқа пуллик хизматлар қурсатиш.

Жамият раҳбари – \_\_\_\_\_ 2001 йил ноябрь ойидан жамият директори вазифасида ишлаб келмоқда. Тугилган йили \_\_\_\_\_ 19\_\_ йил, Карши шаҳри. Маълумоти – тугалланмаган олий.

Банк реквизити: Х/р

МФО «\_\_\_\_\_» банк

Кашкадаре вилоят филиали

ИНН:

Манзилгоҳи: Карши шаҳар \_\_\_\_\_

## II. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад, Карши шаҳри билан чегарадош ҳудудда жойлашган, Карши тумани \_\_\_\_\_ кишлоғидаги фаолият курсатаётган жамиятга карашли булган суюлтирилган газ қуйиш станцияси учун керакли ҳажмда екилги - суюлтирилган газ сотиб олиш, станциянинг ушбу фаолиятини янада муътадиллаштириш, натижада даромад ҳажмини қупайтиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамиятнинг умумий иш фаолияти стратегияси билан ушбу лойихани амалга оширишни ташкиллаштириш уртасида ички зиддият йукдир.

Жамият ушбу фаолият билан шугулланиш учун қуйидаги рухсатнома ва лицензияларга эгадир:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 феврал 2004 йилдаги АВ№226 реестр буйича тартиб рақами №42-сонли «Суюлтирилган углеводород газини сотиш» билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи 5 йил муддатли Лицензия.
2. Карши туман ҳокимлиги томонидан жамиятнинг станциясига 27 феврал 2004 йил S №86-сонли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини амалга ошириш рухсатномаси.

Лойиха ташаббусқорининг, лойихани амалга оширишдан мақсад қуйидаги сабабларга қура:

- қурсатиладиган хизматлар ва ишлаб чиқаришни таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини қоплай олишлиги,

- керакли иш материалларини етказиб берувчилар ва қурсатиладиган хизматларга миқозларнинг қуплиги ва лойиха ташаббусқорининг етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини қурсатади.

Керакли екилгини етказиб берувчилар ва қурсатиладиган хизматларнинг миқозлари билан лойиха ташаббусқорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музоқаралар, уларнинг лойиха буйича ҳамқорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини қурсатди. Ҳудудий қулай жойлашганлиги, ҳамда қурсатиладиган хизматларга миқозларнинг қуплиги лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имқоният яратади.

## 111. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Карши шаҳри худудида 01.03.04 йил ҳолати буйича фаолият курсатаётган суюлтирилган газ екилгиси куйиш станциялари сони бтани ташкил этади. Бу станциялар шаҳарда суюлтирилган газ екилгисида юрадиган махсус мосламалар урнатилган 2500та автотранспорт воситаларига хизмат курсатади.

Шундан куйидаги сугимли суюлтирилган газ кетадиган автотранспорт воситалари:

1. 28 кг 1000 та
2. 33 кг 500 та
3. 47 кг 1000 та

Бугунги кунда бензинга нисбатан суюлтирилган газнинг нархи паст булганлиги сабабли, ушбу екилгида ҳаракатландиган автотранспорт воситаларининг сони узиш темпи юкори булмокда. Бунинг натижасида суюлтирилган газ куйиш станциялари хизматидан фойдаланувчи тулов қобилиятига эга булган мижозлар сони ошиб бормокда ва улар томонидан суюлтирилган газга булган қондирилмаган талаб катта. Бунинг натижасида хизмат курсатаётган станциялар уртасида ҳам рақобат қучаймокда.

Лойиха ташаббусқори бугунги кунда замон талабига жавоб берадиган суюлтирилган газ куйиш станциясига эга булиб, станция фаолиятини янада мутадиллаштириш мақсадида, станция хизматидан фойдаланувчи мижозларга узлуксиз хизмат курсатиш ва юқорида қайд қилинган қондирилмаган катта талабнинг мавжудлиги, ҳамда суюлтирилган газ екилгиси ишлаб чиқарувчи «Шуртангаз» қорхонасида қабул қилинган иш тартибига қура, екилгини тарқатувчи станцияларга 100% олдиндан ҳақини тулаш ва энг қам миқдори 50000 кгни ташкил этиши натижасидаги белгиланган чеклашлар талабини қондиришда лойиха ташаббусқорининг айланма маблағи 1 ойлик екилгига тулик етмаганлиги сабабли, банқдан 10000000 сум миқдорида қредит маблағини жалб қилиш тугрисида қарор қабул қилди.

Суюлтирилган газ маҳсулотларига булган талабнинг юқорилиги ва доимий талабнинг мавжудлиги, шунингдек ички бозорнинг талабига, сифати жиҳатидан тулик жавоб берадиган хизмат қенгайтириш билан жамиятнинг ушбу йуналишдаги фаолиятини муътадил ташкил этиш, мақсадга мувофиқ булади.

«\_\_\_\_\_» маъсулияти чекланган жамиятнинг режасининг рақобатга қучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узғаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этилган хусусиятга қура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга қараб, қиска муддат ичида уз фаолиятини мослаштириш, мижозларга хизмат курсатишда ички ҳаражатларининг пастлиги, рақобатга бардош бериш имқониятига эга булишини қафолатлайди.

#### IV. СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Қурсатиладиган хизматлар мижозларга тугридан-тугри амалга оширилади.

Суюлтирилган газни сотиш программаси стратегияси, екилги сифати, турига булган талабни ҳамма вақт урганиш, бозор шароитини узғаришига тезда мослашиш, ҳамда, юқорида қайд этилган фикрлардан қелиб қикқан қолда, тайер маҳсулотга ва қурсатиладиган хизматларга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

#### V. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи 25575714 сумни ташкил этади. Шундан асосий қапталнинг қиймати 15008194 сумни, айланма қапталининг қиймати 10530000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббусқори томонидан, банқдан, 10000000 сум миқдорида қарз маблағлари ҳисобидан 1 ойга етадиган екилги – суюлтирилган газ олиш режалаштирилган. Хизмат курсатиш учун техник ҳавфсизлик талабларига жавоб берадиган станция, қомпьютер улчағичли суюлтирилган газ куйиш усқуналари, сакланадиган 2800 кгдан 5 та жами 14000 кгли маҳсус идишлар лойиха ташаббусқорининг уз ҳиссаси сифатида қушилади.

5 табицада, лойиха нархи аниқ қурсатилган.

#### Лойиханинг умумий нархи

Табица 5.

№		Ташаббусқор хиссаси (сум)	Банк қредити (сум)	Умумий миқдори (сум)
1.	Екилги куйиш станцияси	15008194	0	15008914
2.	Екилги- суюлтирилган газ	530000	10000000	10530000

3.	Гаровга куйиладиган мулкнинг сугурта тулови (мулк кийматидан 0,25%)	37520	0	37520
	ЖАМИ	15575714	10000000	25575714
	Фоизда	60,9%	39,1%	100%

### Лойихада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 10000000 сум
2. Қайтариш муддати – 12 ой
3. Имтиёз даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 24 %
5. Кредитни епиш – 12-ойда қайтариш.

Олинадиган кредитнинг таъминоти сифатида, «» маъсулияти чекланган жамиятнинг 15008194 сумлик суюлтирилган газ қуйиш станцияси тақдим этилади.

### VI. ХИЗМАТ КУРСАТИШ ПРОГРАММАСИ

#### Хизмат курсатиш режаси.

Хизмат курсатиш режаси ва хизматлар номенклатураси, кредит ҳисобидан сотиб олинadиган хом-аше ҳажмидан, ҳамда станциянинг тулик лойиха қувватидан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Суюлтирилган газ қуйиш станциясининг 1 кунлик қуввати 70та газ мосламаси урнатилган автомашиналарга хизмат қилишга мулжалланган.

Ушбу кундаги станция иш фаолиятидаги қузатувлар шуни курсатидки уртача 65та миқозга 2340 кг екилги сотилмоқда.

Автотранспорт воситаларига урнатиладиган газ мосламасининг сизими 28 кг дан 47 кг ли.

1 кг суюлтирилган газ ҳажм жихатидан 1,75 литрга тенгдир.

Станцияда ҳафтада 6 иш кунлик, 2 сменалик иш режими ташкиллаштирилган.

Бугунги кунда уртача ҳисобда 1000 кг суюлтирилган газни сотиб олишдаги биржа нархи 150000 сумни ташкил этмоқда. Лойиха ташаббусқори билан суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи – «Шуртан нефтегаз» унитар шуъба корхонаси уртасида 03.03.04 йил №\_\_\_\_\_ -сонли шартнома имзоланган. (Шартномалар илова қилинади)

Кредит ҳисобидан суюлтирилган газ қуйиш станцияга хизмат курсатиш учун сотиб олинadиган екилгининг 1 ойлик натура жихатдан миқдори 70200 кг ни ташкил этади.

Суюлтирилган газнинг олиб келишда, станциянинг екилги захираси булган махсус идишларига қуйилишида ва захирадан миқозларнинг автовоситаларига қуйилишида табиий йуқолиши (буғланиш натижасида) қабул қилинган нормативларга қура 8% тенг.

Табиий йуқолишнинг 1 ойлиги – 5616 кг ни ташкил этади.

Ҳақиқатда 1 ой ичида миқозларга сотиладиган екилги миқдори – 64584 кг тенг.

6-жадвалда суюлтирилган газ қуйиш станциясининг миқозларга хизмат курсатиш қуввати курсатилган.

6-жадвал

Станциянинг 1 кунлик қуввати кг	Станциянинг 1 ойлик қуввати кг	Станциянинг 1 йиллик қуввати Кг
2152,8	64584	775008

6.1.-жадвалда 1 кг миқозларга сотиладиган екилги нархини асослаш келтирилган.

Жадвал 6.1.

Сотиб олинadиган 1 ойлик миқдори кг	Табиий йуқолиш 8% (кг)	Ҳақиқатда сотиладиган екилги миқдори кг	1 кг екилгининг сотиб олиш нархи сум	1 ойдаги сотиб олинadиган екилгининг	1 кг екилгининг табиий йуқолиш

				умумий киймати сум	билан нархи сум
70200	5616	64584	150	10530000	163,04
					<b>163,04</b>

Бир кунда уртача **2152,8 кг** екилги сотилади. Уртача хар миждозга **33,12** кгдан тугри келади. **1 кг** екилгига харажат **163,04** сумни ташкил этади .

#### Амортизация ажратмаси

Жамият балансида булган суюлтирилган газ куйиш станциясининг киймати 15008194 сумни ташкил этган. «Солик кодекси»даги амортизация чегирмаси йиллик микдори бино, иморатлар учун 5% микдорида белгиланган.

6.2.-жадвалда амортизация чегирмалари тулик курсатилган.

Жадвал 6.2.

Баланс киймати сум	Амортизация микдори	1йиллик амортизация сум	1ойлик амортизация сум	1 кунлик амортизация сум	1кг екилгига амортизация микдори сум
15008194	5%	750409,7	62534,14	2084,47	0,97
					<b>0,97</b>

**1 кг екилгига 0,97 сум** амортизация чегирмаси тугри келади.

#### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ХАРАЖАТЛАРИ.

Бир кунда станцияда 85 кВт э/энергия хизмат курсатишда фойдаланилади.

Жадвал 6.3.

1 кунлик э/энергия харажати кВт	1 кВт нинг нархи сум	1 кунлик э/энергия харажати сумда	1 кг екилгига э/энергия харажати сумда
85	33	2805	1,3
			<b>1,3</b>

**1 кг екилгига кетадиган ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ харажати 1,3 сумга тенг.**

#### ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ

Лойихани амалга оширишда режага кура екилигин ишлаб чиқарувчи корхонадан станциягача олиб келишда транспорт харажати 1 ойда 300000 сумни ташкил этади.

6.4. жадвалда транспорт харажати аниқ курсатилган.

Жадвал 6.4.

1 ойлик транспорт харажати сумда	1 ойда сотиладиган екилги микдори кг	1кг екилгига транспорт харажати сумда
300000	64584	4,65
		<b>4,65</b>

**1 кг екилгига кетадиган транспорт харажати 4,65 сумга тенг.**

#### Ташкилий режа

Ушбу лойихани амалга станцияда ҳафтада 6 иш кунлик, 2 сменалик иш режими ташкиллаштирилган. Жамиятнинг маъмуриятини саклаш, жамиятнинг бошқа фаолият туридан олинадиган даромадлар ҳисобига копланани

#### Иш хаки фонди ҳисоби

Жадвал 6.5.

№	Штатлар руйхати	Ишчила р сони	Ишчилар оклади мик	Бир ойлик маоши сум	Йиллик маоши сум
---	-----------------	---------------	--------------------	---------------------	------------------

			Сум		
1	Бош оператор	2	35000	70000	840000
2	Оператор	4	32500	130000	1560000
	ЖАМИ:			200000	2400000
	33 % чегирма ИХФ			66000	792000
	<b>ЖАМИ суммаси</b>			<b>266000</b>	<b>3192000</b>

4.5. жадвалда 1 кг екилгига иш хаки харажати аник курсатилган

Жадвал 6.6.

1 ойлик иш хаки харажати сумда	1 ойда сотиладиган екилги микдори кг	1кг екилгига иш хаки харажати сумда
266000	64584	4,12
		<b>4,12</b>

**1 кг екилгига иш хаки харажати 4,12 сумни ташкил этади.**

### **БОШКА ХАРАЖАТЛАР.**

Бошка харажатларга, 1 ойда екилиг сотиб олиш учун килинадиган умумий харажатлар микдорининг 1 % олинади. Бу 105300 сумга тенг.

4.6.- жадвалда бошка харажатлар аник курсатилган.

Жадвал 6.7.

1 ойлик бошка харажатлар сумда	1 ойда сотиладиган екилги микдори кг	1кг екилгига бошка харажатлар сумда
105300	64584	1,63
		<b>1,63</b>

**1 кг екилги учун бошка харажатлар 4,1 сумни ташкил этади.**

**1 кг екилги-суюлтирилган газнинг калькуляцияси**

Жадвал 6.8.

№	Курсаткич номи	Суммаси
1.	Суюлтирилган газ	163,04
2.	Амортизация	0,97
3.	Электроэнергия	1,3
4.	Иш хаки	4,12
5.	Транспорт харажати	4,65
6	Бошка харажатлар (1% микдорида)	1,63
6.	Жами харажатлар	175,71
7	Фойда 20 %	35,14
8	Жами	210,85
9	1 кг екилгига солик	35
	Сотилиш нархи екилгига белгиланган солик билан бирга	245,85

**1кг екилги-суюлтирилган газнинг солик билан бирга мижозларга сотилиш нархи 245,85 сумга тенг.**

Йил давомида екилги куйиб бериш хизматининг таннархи 136176656 сумни ташкил этади.

### **V11. СОЛИКЛАР, ТУЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР.**

Лойиха ташаббускори ялпи даромад, мулк молиги ва сотиладиган хар бир 1 кг екилгига 35 сумдан соликлар тулайди.

5-жавдалда туланадиган барча солик, мажбурий чегирмалар ва туловлар тугрисида аник маълумотлар курсатилган.

Жадвал 7

	1кг екилгига сум	Ялпи даромад солиги	Мулк солиги Мулк кийматидан	Нафака фондига чегирма ялпи тушумдан	Йул фондига чегирма Ялпи тушумдан
Микдори	35	18%	3,5%	0,7%	1%

1 йилда	27125280	4902080,5	525286,79	1333750	1905357,2

Режага кура 1 йил ичида ялпи даромад солиги 4902080,5 сумни, мулк солиги 525286,79 сумни, нафака фондига чегирма 1333750 сумни, йул фондига 1905357,2 сумни ташкил этади.

### V111. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.

1 кг екилги-суюлтирилган газнинг солик билан бирга мижозларга сотилиш нархи 245,85 сумга тенг. 1 кг суюлтирилган газ хажм жихатидан 1,75 литрга тенгдир.

1 литр екилгининг сотилиш нархи 140,48 сумни ташкил этади.

Юкорида кайд этилган курсаткичлар асосида 8 таблицада, бир йил ичида олинши режалаштирилган даромад курсатилган.

### ПУЛ ОКИМИ

Таблица 8.

№	Курсатила диган хизмат тури	Улчов бирлиги	Сони	Нархи (сум)	Жами (сум) 12 ойда
1	Екилги	Кг	775008	245,85	190535717
	<b>ЖАМИ</b>				<b>190535717</b>

12 ой давомида олинши кутиладиган даромад микдори 190535717 сумни ташкил этади.

6.2 таблицада лойихани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблағини кайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тулаш схемаси курсатилган.

### Кредитни кайтариш таблицаси

Таблица 8.1.

№	Тулов даври	Кредит микдори (сум)	1 ойлик фоиз ставкаси 2%	Йиллик фоиз ставкаси 24 %	Кайтарилган диган кредит суммаси (сум)	Жами туланадиган сумма (сум)
1	0 йил	10000000	0	0	0	0
2	12 ойда	10000000	2000000	2400000	10000000	12400000
	<b>ЖАМИ</b>	0	X	2400000	10000000	12400000

Лойиханинг, 3 йил ичида амалга оширилиши натижасида, кутилаётган молиявий курсаткичлар 6.3 таблицада акс этирилган.

### МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Таблица 8.2.

№	Курсаткичлар номи	1 йил (сум)
1	Тушум	190535717
2	Харажатлар	136176656
3	Катъий солик	27125280
4	Даромад	27233781
5	Солик туловлари	4902080,5
6	Мулк солиги	525286,79
7	Нафака фондига чегирма	1333750
8	Йул фондига чегирма	1905357,2
9	Кайтариладиган кредит суммаси	10000000
	Кредитнинг фоизи	2400000
	Туловлардан кейин коладиган сой фойда	6167306,3

Жамият, лойихани бизнес-режага кура 12-ойда тулик амалга оширилиши натижасида, 10000000 сум кредит маблағи, 2400000 сум маблагдан фойдаланганлиги учун банк фоизи, соликлар ва мажбурий тулов ва чегирмаларни кайтарганидан сунг, 6167306,3 сум фойда билан чикади.

## ХУЛОСА.

Ушбу лойихани такдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, Карши шаҳрида суюлтирилган газ екилгиси бозоридаги ахвол, лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, ҳамда хизмат курсатишни ташкиллаштиришнинг бутун программасини таҳлил қилиш, ички бозордаги шароитни, биринчи навбатда екилгини етказиб бериш, худди шундай корхоналар томонидан буладиган ракобатни, хизмат курсатишдаги булиши мумкин булган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб қилинган таҳлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётйлиги тугрисида хулосага келинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини ҳаётга татбиқ этишга, ҳамда Республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохатларга уз улушини қушишга имкон яратилади.